

## Аллоҳга қилинган тақво ва ҳусну хулқ

09:54 / 09.12.2018 2030

?????? ?????? ??????????? ??????? ?????? ??????? ??????:

?????? ?????????? ?????? ??????? ?????? ??????????

???????????? ?????? ??????????? ??? ??????????? ???????????

???????????????? ??????: «نُسُخَ وَهَلْ لَآ اِيَّ وَقَات»

«قُلْ خَلَا» ?????????? ?????? ??????????? ??? ???????????

?????????? ??????????? ??????????: «جَرَفَلْ اَوْ مَفَلْ ا».

????? ?????????? ??????: ?????? ??? ??????.

627/7. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан:

«Инсонларни жаннатга кўп киргизадиган амал қайси?» деб сўралганида, у зот: «**Аллоҳга қилинган тақво ва ҳусну хулқ**», дедилар. Ва яна у зотдан: «Инсонларни дўзахга кўп киргизадиган амал қайси?» деб сўралганида, у зот: «**Оғиз ва жинсий аъзолар** (орқали қилинган гуноҳ)», деб айтдилар.

Имом Термизий ривоят қилиб, ҳасан, саҳиҳ ҳадис, дедилар.

**Фойда:** Тақволи ва чиройли хулқли бўлишга тарғиб. Ҳамда куфр, ёлғон ва зинодан огоҳлантириш. Бу ҳадисда тақво билан чиройли хулқни орасини жамланди. Чунки тақво, инсон билан Раббиси орасини ислоҳ қилади.

Чиройли хулқ эса, инсон билан бошқа инсонлар орасини ислоҳ қилади. Ва яна оғиз билан жинсий аъзоларини орасини жамланди. Чунки, оғиздан куфр калимаси, ғийбат ва чақимчилик каби фаҳш сўзлар содир бўлади. Жинсий аъзодан эса, зино содир бўлади. Бу икки аъзо сақланмаса, ҳар турлик балоларга сабаб бўлиб, дўзах томон олиб бориши мумкин.